“КЕЛИШИЛДИ”
Ўзбекистон чанғи спорти федерацияси раиси

_____ А.Тухтаев

“____” _____ 2023-йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазири ўринбосари

_____ Ш.Махмудов

“____” _____ 2023-йил

Спортнинг сноуборд тури бўйича 2023-йилда Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги

Н И З О М И

Тошкент 2023-йил

Спортнинг сноуборд тури бўйича 2023-йилда Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги
Н И З О М И

Мазкур **Низом сноуборд** спорт тури бўйича республика спорт мусобақаларининг (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) мақсади ва асосий вазифалари, спорт мусобақалари жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, уларни ўтказишга раҳбарлик қилиш, уни молиялаштириш, шунингдек мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартибини белгилайди.

I-боб. Умумий қоидалар

1. Республика мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳарда вилоятларда ўтказилган *(уч босқич, маҳалла (муассаса), туман (шаҳар) ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида ўтказилган вилоят саралаш)* мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар ҳамда 2023-йил учун Ўзбекистон Миллий терма жамоалари рўхатига киритилган спортчилари иштирок этади. Бунда:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 5-ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарор талабларига мувофиқ, Ўзбекистон чемпионатлари (кубоклари)нинг финал босқичларида фақат мазкур мусобақаларнинг қуйи босқичларида ғолибликни қўлга киритган ва тегишли ҳужжатларни Платформага жойлаштирган *(Платформа ишга туширилгандан сўнг)* жамоалар (якка спортчилар) иштирок этади. Ушбу талабларга риоя қилинмаса жамоалар (якка спортчилар) мазкур мусобақаларда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

2. Мусобақалар Халқаро чанғи федерацияси (бундан буён матнда федерацияси деб юритилади) томонидан ўрнатилган қоидаларга кўра ўтказилади ва ҳакамлар томонидан баҳоланади. Мусобақани ўтказиш учун ҳакамлар таркиби Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) томонидан тасдиқланади.

3. Мусобақаларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларига амал қилинади.

II-боб. Мусобақаларнинг мақсад ва вазифалари

4. Мусобақаларнинг мақсади болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш натижасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, сноуборд спорт турини аҳоли ўртасида

оммалаштириш ва уни янада ривожлантириш, Республикада сноуборд спорт тури бўйича спортчиларнинг маҳорати даражасини оширишдан иборатдир.

5. Мусобақаларнинг вазифаси Республика ҳудудлари ва спорт ташкилотларида турли ёш гуруҳларидаги сноуборд спорт тури бўйича спортчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш ва уларни саралаб олиш, Ўзбекистон Республикаси миллий терма жамоаларини шакллантириш, шунингдек сноуборд спорт тури бўйича кучли спортчиларни аниқлаш, тренер ва ҳакамларнинг малакасини ошириш, ўтказиладиган мусобақалар натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

III-боб. Мусобақаларни ўтказишга раҳбарлик

6. Мусобақаларни ўтказишга умумий раҳбарликни вазирлик томонидан ҳамда бевосита раҳбарлик қилиш Ўзбекистон чанғи спорти федерацияси (бундан буён матнда Чанғи спорти федерацияси деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

7. Ҳакамлар ҳайъати рўйхати Ўзбекистон чанғи спорти федерацияси томонидан тасдиқланади.

8. Мусобақаларни адолатли ва шаффоф ҳолда ўтказилиши ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклатилади.

9. Мусобқада иштирок этувчиларнинг ҳужжатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш федерацияси томонидан шакллантирилган мусобақа мандат комиссияси томонидан амалга оширилади.

10. Мусобақа даврида иштирокчилар ва томошабинлар хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш, тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда федерацияси бўлим ва федерациянинг худудий бўлимлари (мусобақа қайси вилоятда ўтказилишига қараб) томонидан амалга оширилади.

IV-боб. Мусобақаларни ўтказиш жойи ва муддати

11. Мусобақалар республика ҳудудида амалдаги Халқаро федерация қоидалари асосида ўтказилади.

12. Вазирликнинг 2023-йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига асосан, расмий мусобақалар мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, 2023-йил давомида спортнинг сноуборд тури бўйича республика ҳудудида ўтказилиши режалаштириладиган мусобақалар рўйхати, спорт турининг хусусияти ва даражасидан келиб чиққан ҳолда мусобақа дастурлари мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

13. Мандат коммисияси фаолиятини мусобақа ўтадиган жойда мусобақанинг биринчи кунидан бошлайди, иш вақти 2-иловада кўрсатиб ўтилган.

V-боб. Мусобақаларни ўтказиш шартлари

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 29-июлдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тадбирини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўрисида”ги 205-сонли қорорига асосан ташкил этилади.

15. Ўзбекистон чемпионатлари сноуборд спорт турининг хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 5-ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 3-июндаги ПҚ–3031-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастурида белгиланган талабларига мувофиқ ташкил этилади.

16. Мусобақаларнинг ўтказилишини вазирликнинг буйруғи билан тасдиқланган мусобақанинг бош ҳаками зиммасига юклатилади.

17. Мусобақалар ҳакамларининг вазифалари сноуборд қоидалари асосида белгиланади.

18. Мусобақаларда ҳакамлар хайъатининг сони мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ белгиланади.

19. Йиллик низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши талаб этилган ҳолларда тренерлар кенгашида муҳокама қилинган ҳолда йиғилиш баёни ва ҳакамлар ҳайъати қарори хужжатларни вазирликка тақдим қилинади ва мусобақа бошланишидан камида ўн иш кун олдин вазирликни хабардор қилинади.

20. Тасдиқланган йиллик низомнинг тегишли бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг мусобақа бошланишидан беш кун олдин мусобақа иштирокчиларига тегишли ҳужжатлар (билан таништирилади) тақдим этилади.

VI-боб. Мусобақаларда иштирок этиш учун талабнома (буюртма)ларни топшириш шартлари

21. Мусобақаларга спорт турининг хусусиятларидан келиб чиқиб ҳамда сноуборд норма ва талаблари асосида талабнома (буюртма)ларни тақдим этиш шартлари мазкур йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ мандат комиссияси томонидан талаб қилинади.

22. Мусобақада иштирок этиш учун спортчилар Халкаро чанғиси қоидалари буйича маҳсус спорт формасида бўлиши шарт. Сноуборд талабига жавоб бериши керак. Ушбу формалар спортчида бўлмаса спортчи мусобақага қўйилмайди.

23. Мусобақаларда иштирок этиш учун спортчилардан сноуборд қоидалари асосида сноуборд спорт турининг хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидагилар:

а) шахсий варақаси (паспорт, метирка ва мактабдан ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат расми билан) ўқув муасасаси печат босилган 3\4 хажмдаги расми нусхаси билан;

б) суғурта варақаси;

в) тиббиёт муассасасининг врачи томонидан спортчининг мусобақада иштирок этишига рухсат берилиши **(имзо ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда)**, спортчининг умумий текшируви бўйича шифокор ҳулосаси;

д) худудий Спортни ривожлантириш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган ҳамда ҳудудий федерациялар (уюшмалар) билан келишилган талабнома (буюртма) бўлиши талаб этилади.

25. Мусобақаларда иштирок этиш учун талабнома (буюртма) спорт турининг хусусиятидан келиб чиқиб, мусобақа бошланишидан 20 кун олдин тегишли манзилга (+998 97 715-45-50, info@skisports.uz) топширилади.

26. Мусобақаларга келиш куни талабномаларнинг асл нусхаси мусобақада иштирок этувчи жамоа вакили томонидан **уч нусхада мандат комиссиясига тақдим этилади.**

VII-боб. Мусобақаларни молиялаштириш манбалари

27. Мусобақа ўтказилишининг молиялаштириш шартлари:

28. Ўзбекистон Ресрпубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 27-апрелдаги “Терма жамоалар ҳамда уларнинг захирасини срорт мусобақаларига тайёрлашни, шунингдек уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 121-сонли қарорига мувофиқ сарф - ҳаражатлар вазирлик томонидан, айрим ҳолларда спорт федерация (ассоциация) ва ҳомийлар томонидан қорланиши мумкин.

29. Мусобақанинг иштирокчилари-спортчилар, тренерларнинг овқатланиши, ётоқхона ва йўл харажатлари сафарга юборган ташкилотлар томонидан қопланади.

30. Мусобақаларда иштирок этувчи ҳакамларнинг харажатлари вазирлик томонидан қопланади. Айрим ҳолларда спорт федерация ва ҳомийлар томонидан қопланиши мумкин.

31. Мусобақаларда хизмат қилувчи ходимларнинг харажатлари спорт федерация томонидан қопланади.

32. Мусобақаларнинг молиялаштирилиши юзасидан ушбу Низомнинг молиялаштириш шартларига вазирлик томонидан (зарурият ҳолларда) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

VIII-боб. Мусобақа натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш

33. Мусобақа натижалари бўйича берилган мурожаатларни кўриб чиқиш учун федерацияси бош ҳаками ва ижроия қўмитаси томонидан кўриб чиқиб қарор қабул қилинади.

34. Мусобақа натижаси бўйича мурожаатлар жамоанинг тренери томонидан мусобақа тугагандан сўнг мусобақа бош ҳакамига тақдим этилади.

35. Берилган мурожатлар федерациянинг ижроия қўмитаси томонидан ўрганиб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши бир иш кунида белгиланади.

36. Қабул қилинган қарор натижаси бўйича ижроия қўмитаси томонидан мурожаат қилган тренерга бир иш куни ичида ёзма (ёки оғзаки) тартибда жавоб берилади.

37. Федерациянинг ижроия қўмитаси мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра мусобақа натижасини бекор қилиши ёки унга тегишли ўзгартириш киритиши мумкин.

38. Федерациянинг ижроия қўмитаси мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

IX-боб. Мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш

39. Мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари вазирлик томонидан тасдиқланган I, II, ва III даражали дипломлар, медаллар ҳамда совғалар билан тақдирланади. Айрим ҳолларда спорт федерация ва ҳомийлар томонидан мусобақа ғолиблари ва совриндорларига эсталик совғалари билан тақдирланиши мумкин.

X-боб. Якуний натижалар таҳлили

40. Федерация ўтказилган мусобақалар тўғрисида вазирлик томонидан тасдиқланган ҳисобот шакли бўйича мусобақа тугагандан сўнг уч кун муддат ичида вазирликка маблағларнинг сарфланиши бўйича молиявий ҳамда мусобақанинг техник ҳисоботлари ва якуний натижалари юзасидан таҳлилий маълумот тақдим этилади.

Спорт қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби директори **А.Юсупов**

Бош тренери **И.Меркушкин**

Спортнинг сноуборд тури бўйича 2023-йилда
Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги
мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомига
1-ИЛОВА

Спортнинг сноуборд тури бўйича мусобақалар
РЎЙХАТИ

Т/р	**Ўтказиш вақти**	**Ўтказиш жойи**
1.	**Ўзбекистон чемпионати U13 (кичик ўсмирлар) (ўсмирлар ва ўсмир қизлар)**	
	январь-декабрь	Тошкент вилояти
2.	**Ўзбекистон чемпионати U15 (ўсмирлар) (ўсмирлар ва ўсмир қизлар)**	
	январь-декабрь	Тошкент вилояти
3.	**Ўзбекистон чемпионати U17 (ёшлар) (ўғил болалар ва қиз болалар)**	
	январь-декабрь	Тошкент вилояти
4.	**Ўзбекистон чемпионати U19 (ёшлар) (ўғил болалар ва қиз болалар)**	
	январь-декабрь	Тошкент вилояти
5.	**Ўзбекистон чемпионати (катталар) (эркаклар ва аёллар)**	
	январь-декабрь	Тошкент вилояти
6.	**Ўзбекистон кубоги (катталар) (эркаклар ва аёллар)**	
	январь-декабрь	Тошкент вилояти

Спортнинг сноуборд тури бўйича 2023-йилда
Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги
мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомига
2-ИЛОВА

Мусобақалар дастури

Кунлар	Мусобақа санаси
1 кўн	Келиш куни, мандат комиссияси, қуръа ташлаш, ҳакамлар семинари.
2 кўн	Очилиш маросими, Слалом-гигант бўйича мусобақалар.
3 кўн	Параллел слалом-гигант бўйича мусобақалар.
4 кўн	Слалом бўйича мусобақалар.
5 кўн	Параллел слалом бўйича мусобақалар.
6 кўн	Мастер-класс, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш, мусобақаларнинг ёпилиш маросими .
Мусобақа 2 ёки 6 кун давом этиши мумкин.	

Спортнинг сноуборд тури бўйича 2023-йилда
Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги
мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомига
3-ИЛОВА

Сноуборд спорт тури бўйича ҳакамлар хайъати сони

Т/р	Номи	Сони
1.	Бош ҳакам	1
2.	Бош ҳакам ўринбосари	1
3.	Бош котиб	1
4.	Котиб	1
5.	Трасса бошлиғи	1
6.	Назоратчи ҳакамлар бошлиғи	1
7.	Назоратчи ҳакам	15
8.	Маълумот берувчи ҳакам	1
9.	Стартдаги ҳакам	2
10.	Финишдаги ҳакам	1
11.	Хронометрчи	4
12.	Шифокор	1
13.	Хамшира	1
14.	Ишчи	4
15.	Компютерчи	1
16.	Автобус хайдовчиси	1
Жами:		**37**

Спортнинг сноуборд тури бўйича 2023-йилда
Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги
мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомига
4-ИЛОВА

Талабномалар (буюртмалар)нинг намунаси

"Тасдиқлайман"
Ўзбекистон чанғи спорти
федерацияси президенти
_____ Ф.И.Ш.
"___" _____ 2023 йил

_____
(худуд номи, спорт тури, мусобақа номи)

ТАЛАБНОМА

Т/р	Спортчининг Ф.И.Ш.	Туғилган йили	Спорт разряди	Спорт ташкилоти	Тренери	Врач
1.						
2.						

Изоҳ: Спорт турининг хусусиятидан келиб чиқиб 15% гача ўзгартириш киритиш мумкин.

Бош тренер _____ _____
(имзо) (Ф И Ш)

Врач _____ _____
(имзо) (Ф И Ш)